2013 йил 13 май, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 93 (12.404)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

***Айни кунларда шаҳримиздаги Dimax бизнес марказида «Қурилиш ва ландшафт дизайни – 2013» мавсумий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.***

Унда қурилиш моллари, технологиялар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар, воситачи ташкилотлар, хорижий брендларнинг мамлакатимиздаги савдо вакиллари, шунингдек, савдо ва харид бўйича ёрдамчи корхоналар вакиллари иштирок этмоқда.

«Dimax доимий фаолият юритувчи халқаро қурилиш ярмаркаси» доирасида мингдан ортиқ қурилиш маҳсулотларининг савдолари ҳам ташкил этилган. Бу ерда истеъмолчилар ва буюртмачилар халқаро брендга эга бўлган компанияларнинг сифатли маҳсулотларини мақбул нархларда харид қилиш имконига эга бўлмоқдалар.

Таъкидлаш жоиз, кўргазманинг асосий мақсадларидан бири соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва товар белгиларини намойиш этиш ҳамда сифатли маҳсулотларни истеъмолчилар ва буюртмачилар ўртасида оммалаштиришдан иборат.

Ушбу тадбирнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва кредитлар бўйича ҳам амалий ёрдам кўрсатилади. Бу эса истиқболли лойиҳаларга эга, аммо имконияти кам иштирокчиларнинг ишларини бошлаб ривожланишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу кўргазмадан кўплаб тадбирлар ўрин олган. Хусусан, Учтепа тумани ҳокимлиги ташаббуси билан «Обод маҳалла» тадбири уюштирилди. Унда туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган ландшафт дизайни, фото-кўргазма, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар, халқ амалий санъати намояндалари – ҳунармандлар, қўғирчоқ усталари, каштачи-сўзаначилар иштирок этди. Улар ўзларининг маҳсулотлари ва ижод намуналарини намойиш этишди.

Кўргазманинг дастлабки кунларида жорий йилда лицей ва коллежларнинг битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Ярмарка ёшларнинг оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчилик каби кичик бизнес турлари билан шуғулланишини рағбатлантириш мақсадида Учтепа тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Ярмаркага ташриф буюрган битирувчилар ўзлари қизиққан иш ўринлари билан танишдилар, аксарият ёшлар иш берувчилар билан келишувларга ҳам эришди.

2013 йилга мўлжалланган мавсумий кўргазмалар режасига биноан ташкил этилган «Dimax доимий фаолият юритувчи халқаро қурилиш ярмаркаси» 20 майга қадар давом этади.

**Абдуалим САЛИМОВ**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

***Яқинда Нью-Йоркда жойлашган йирик Мерси коллежида мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Доимий ваколатхонаси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан БМТ Таълим ва тадқиқотлар институти («UNITAR») ва БМТ ҳузуридаги элчилар клуби билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Мерси коллежида таҳсил олаётган талабалар, профессор-ўқитувчилар қатнашдилар.***

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ МАВЗУИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбир чоғида Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугуни, юртимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат билан боғлиқ атрофлича батафсил маълумотлар семинар иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Шу билан бирга, тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ижтимоий сиёсат олиб борилишига устувор аҳамият қаратилади. Шу маънода юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва мазкур дастур доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг тафсилотлари ҳақидаги ахборотларга алоҳида эътибор қаратилди.

Юқоридагилардан ташқари, Мерси коллежи вакиллари 2013 йилнинг 16-17 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуидаги халқаро конференция ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ушбу халқаро анжумандаги нутқи билан ҳам танишдилар.

Орол денгизи билан боғлиқ экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар, минтақамизда экологик мувозанатни асраб-авайлаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳам семинар чоғида муҳокама қилинди. Тадбир меҳмонлари юртимизда энергиянинг қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва ушбу фармон асносида Осиё Тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институти ташкил этилиши юзасидан олиб борилаётган ишларга юқори баҳо бердилар. Шунингдек, Ўзбекистон вакиллари Тошкент шаҳрида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги дунё тажрибасини ўрганишга бағишланган йирик халқаро конференция ўтказишга доир режалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

Тадбирдан орттирган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, **Мерси коллежининг Глобал ҳамкорлик маркази директори Ш.Герш** «бундай тадбирлар талабаларга нафақат у ёки бу мамлакат ҳақида кенгроқ ва чуқурроқ маълумотларга эга бўлиш, балки унинг турли халқаро ва минтақавий масалаларни ҳал қилишдаги тажрибаси билан яқиндан танишиш имконини беришини» айтди.

– Коллежимиз БМТ ҳузуридаги дипломатия корпуси вакиллари иштирокида семинарлар ўтказиш бўйича кўп йиллик тажрибага эга, – деди у. – Аммо Ўзбекистонга бағишланган бугунги тадбир биз учун алоҳида аҳамият касб этди. Зеро, бўлиб ўтган семинар орқали биз мамлакатингиз ҳақида кўплаб янги ва қизиқарли ахборотларга эга бўлдик. Айниқса, таълим ва ёш авлодни тарбиялаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар таҳсинга сазовордир. Масалан, Ўзбекистон мактабларида бошланғич синфлардан бошлаб инглиз тилининг ўқитилиши юртингизда халқаро талабларга жавоб берадиган мактаб таълими дастурини ишлаб чиқишга нисбатан комплекс ёндошувнинг мавжудлигидан далолат беради.

**«Жаҳон» АА**
**Нью-Йорк**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Бухорода Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни мустақиллик йилларида сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш мақсадида ўтказилаётган «Тафаккур синовлари» республика танловининг вилоят саралаш босқичи якунланди.**

**● Андижон вилояти Хонобод шаҳрида «Хонобод таровати» анъанавий ёшлар фестивали ҳамда Фарғона водийси қизиқчи ва аскиячилари танлови бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида ташкил этилган кураш, миллий ўйинлар мусобақалари, ошпазлар танлови, дорбозлар гуруҳларининг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.**

**● Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур танловда шаҳар, туман ҳамда минтақавий босқичларда ғолиб бўлган тўрт жамоа иштирок этди.**

**● Зарафшон шаҳрида «Golden Mile-Zarafshan» масъулияти чекланган жамияти ишга туширилиши билан бу ерда юз турдаги мебель жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган ўн нафар ишчи-мутахассис махсус компьютер дастурлари ёрдамида мебелларга керакли шакл ва безак беришмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● Сербия бош вазирининг биринчи ўринбосари Александр Вучич Сербия ва Косово ўртасида ўтган ойда шартномада имзоланганидан сўнг юзага келган кескин вазиятни юмшатиш мақсадида Косово шимолига ташриф буюради.**

**● Хитойнинг жануби-ғарбий қисмида Сичуань музофотидаги кўмир конида рўй берган портлаш натижасида камида йигирма етти киши ҳалок бўлди.**

**● Кеча АҚШнинг Луизиана штатида жойлашган Янги Орлеан шаҳрида ўтказилаётган парад чоғида рўй берган отишма пайтида камида ўн етти киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда полиция ушбу жиноятда гумон қилинаётган уч кишини изламоқда. Жиноят сабаблари аниқ эмас.**

**● Туркиянинг Рейханли шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати — миналаштирилган иккита автомобилнинг портлатилиши натижасида қирқ олти киши ҳаётдан кўз юмган. Мамлакат маъмурлари ушбу терактни тайёрлашда ва амалга оширишда гумон қилинаётган тўққиз кишини ҳибсга олишди.**

**● Канаданинг Ғарбий Онтарио университети олимлари мандарин таркибидаги нобилетин моддаси инсон қонидаги холестеринни сезиларли даражада камайтиришини аниқлашди. Ушбу мевани мунтазам истеъмол қилиб юриш юрак-қон томир касалликлари ҳамда қандли диабет хасталиги келиб чиқишининг олдини олади. Бундан ташқари мандарин танани витаминлар билан озиқлантириб, овқат ҳазм бўлишини тезлаштирар экан.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## МАЛАКАЛИ КАДРЛАР МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари вакиллари, олимлар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ижро аппарати раҳбари О.Парпиев, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Ш.Қаюмов мамлакатимизда ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар сифати ва самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур фармонда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, олий ўқув юртидан кейинги таълимни тубдан ислоҳ этиш, илмий тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқ кенг қамровли вазифалар белгиланган.

Шу боис «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Лойиҳага кўра, илмий кадрлар тайёрлашнинг амалдаги фан номзоди ва фан докторидан иборат икки босқичли тизими ўрнига олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халқаро андозаларга мос келадиган бир босқичли – фан доктори илмий даражасини бериш тизими жорий этилади. Бу илмий кадрлар ва илм-фанимиз салоҳиятини янада юксалтириш, фан ва амалиёт алоқаларини кенгайтириш, жамиятимизни янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Давра суҳбатида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида фикрлашилди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **13-14 МАЙ** кунлари Ички ишлар вазирлиги академиясида «Ҳуқуқшунослик» умумкасбий фанларидан талабалар республика фан олимпиадасининг иккинчи босқичи ўтказилади.

✓ **БУГУН** «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида «Энергетика – Power Uzbekistan 2013» 8-ўзбек халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси ўз ишини бошлади.

✓ **БУГУН** Миллий матбуот марказида «Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказининг ривожланиш тарихи, қайта номланиши ва келажакдаги режалар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

# БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛИБ, РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Хабар қилинганидек, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2013 йил биринчи чораги якунларига бағишланган Тошкент шаҳар фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, бош бошқарма, бошқарма бошлиқлари, банк раҳбарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов олиб борди.

Йиғилишда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг ижроси, биринчи чорак якунлари ва 2013 йилга белгиланган устувор йўналишларнинг бажарилиши, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, коммунал соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳамда бошқа масалалар таҳлилий кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси давомида шаҳарнинг мавжуд салоҳияти ва ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги қувватларни ишга тушириш, бўш турган майдонларга янги инвесторларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш бўйича белгиланган вазифаларнинг қатъий бажарилиши лозимлиги, туман ҳокимлари ва туманларга бириктирилган республика тижорат банклари томонидан олиб борилаётган ишларни талаб даражасида юксалтириш шу куннинг долзарб масалаларидан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, мавжуд кам қувват билан ишлаётган, фаолиятсиз, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича инвестиция лойиҳаларини охирига етказиш, Бектемир туманидаги «Темир бетон маҳсулотлари» ҚК, Сергели туманидаги «Тошкент Резина» МЧЖ, Учтепа туманидаги «Газавтоматика» АЖ, Яккасарой туманидаги «1-сон Темир-бетон буюмлар заводи» АЖ каби йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятини жонлантириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди. Бундан ташқари фаолият юритмаётган кичик бизнес субъектлари ўрганиб чиқилгани, улардан 207 тасининг фаолияти тикланганлиги қайд этилиб, бу борада изчил иш олиб борилиши таъкидланди.

Тошкент шаҳрини 2013-2015 йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш учун Мирзо Улуғбек туманидаги «Stroint KFP», «PROTON», Ҳамза туманидаги «NEW PROJEKT GROUP», «PAN-A TECH», Олмазор туманидаги «Уч тепа мебель», Бектемир туманидаги «DIOKSID BIZNES» каби корхоналар томонидан кўзда тутилган кредитлар масаласини ўз вақтида ҳал этиш талаб қилинди.

Шу билан бир қаторда аввалги йиллардан фарқли равишда жорий йилда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, йўл ва йўлакларни таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратиб келинаётгани таъкидланди. Хусусан, Тошкент шаҳри кўчаларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун Инвестиция дастурлари доирасида ва қўшимча ажратилган маблағлар ҳисобига маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари ва кўчаларни таъмирлаш олиб борилаётгани қайд этилиб, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш лозимлиги белгилаб олинди.

Шунингдек, йиғилишда турар жой мавзеларида жойлашган темир гаражларни тартибга келтириш, бўшаган майдонларни ободонлаштириш ва кейинчалик очиқ автотураргоҳлар, болалар ўйингоҳлари ва спорт майдончаларини ташкил қилиш дастури ижроси, шаҳар аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан йил давомида узлуксиз таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан шаҳарда 2012-2013 ўқув йилида 79 та касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама тузилган шартномалар таҳлилий кўриб чиқилди. Шу билан бир қаторда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим-тарбия ва амалиёт сифатини ошириш борасида бир қатор ташкилий ишлар амалга ошириб келинаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан «Ўзбекенгилсаноат» компанияси раиси И.Ҳайдаров, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси Т.Жалилов, «Миллий банк» раисининг ўринбосари А.Аҳмедходжаев, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Раҳмонов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев, Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи С. Насретдинов, Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари И.Бердибеков, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ф.Иноятов, «Сувсоз» ДУК тресты бошлиғи И.Маҳкамов, «Махсустранс» ИЧБ бошлиғи Р.Хаджиев, туман ҳокимлари ҳамда туманларга бириктирилган масъул раҳбарларнинг ҳисобот ва ахборотлари тингланди.

Шаҳар фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов иштирок этди.

***Яқинда Бельгиянинг Антверпен шаҳрида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбир «DEWI» сайёҳлик компанияси томонидан Ўзбекистоннинг Бельгиядаги дипломатия миссияси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.***

# ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

Тақдимот чоғида Антверпенда фаолият кўрсатадиган қатор етакчи сайёҳлик компаниялари вакиллари Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари ҳамда ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олган бетакрор меъморий обидалар тўғрисидаги маълумотлар билан атрофлича танишдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда сайёҳлик соҳасини модернизация қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини қайд этишар экан, туризм индустриясини жаҳон талабларига мувофиқ тарзда ислоҳ қилиш юзасидан мамлакатимиз раҳбарияти томонидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганини юқори баҳоладилар.

Тақдимот чоғида хорижлик сайёҳлар учун мўлжалланган ранг-баранг саёҳат дастурлари ҳақидаги маълумотлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, мазкур дастурларда юртимиз заминида қад кўтарган бетакрор тарихий ёдгорликлар билан танишиш билан бир қаторда ўлкамизнинг гўзал табиати манзараларидан баҳраманд бўлиш имконияти ҳам кўзда тутилган. Дунёдаги турли сайёҳлик ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларини республикамиз бой салоҳияти, кенг имкониятлари ва кўҳна тарихи билан яқиндан таништиришга мўлжалланган «Мега-инфо-тур» лойиҳаси билан боғлиқ ахборотлар ҳам тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Шунингдек, тақдимот доирасида халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ранг-баранг ва ўзига хос урф-одат ҳамда анъаналари, мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларида эришилган муваффақиятлар тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида **«DEWI» сайёҳлик компаниясининг директори Дирк Рейнаертс** Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлар европаликлар орасида тобора оммалашиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

– Ўзбекистонда хорижий сайёҳларни мафтун қиладиган бир-биридан гўзал маданий ёдгорликлар бор, – деди у. – Бундан ташқари, юртингизнинг бетакрор табиати, қулай иқлими, ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам сайёҳлик соҳаси ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбек халқининг самимияти ва меҳмондўстлиги, мамлакатингизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик жаҳоннинг барча нуқталаридан сайёҳларни ўзига оҳанрабодай жалб этаётир. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш бўйича амалга оширилаётган оқилона чора-тадбирлар ҳам таҳсинга сазовордир.

**«Жаҳон» АА**
**Антверпен**

# ТОШКЕНТ БИЕННАЛЕСИ ЧОРЛАЙДИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида «Турли маданият – ягона дунё» мавзуидаги VII Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Анжуманда мусаввирлар, санъатшунослар, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, VII Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси директори Ф.Усмонов, санъатшунос К.Оқилова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида санъаткорларнинг эркин ва самарали ижод қилиши учун кенг шароит яратилгани, миллий тасвирий санъатимиз изчил равнақ топаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида жорий йилнинг октябрь ойида ўтказилувчи еттинчи халқаро замонавий санъат биенналесидан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз тасвирий санъати соҳасида эришилган ютуқларни кенг жамоатчиликка намойиш этиш, ёшларнинг бадиий дидини юксалтириш, мамлакатимиз ҳамда хорижлик мусаввирларнинг ўзаро мулоқоти учун имкон яратишдан иборатдир.

«Art Week.Style.Uz – 2013» санъат ҳафталиги доирасида 22-27 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган ушбу халқаро кўргазма учун «Турли маданият – ягона дунё» мавзуси бежиз танланмаган. Зеро, дунёда маданиятлар, қадрият ва анъаналар турлича бўлса-да, уларнинг мақсади уйғун – инсон маънавиятини юксалтириш, тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, эзгуликдир. Биеннале давомида замонавий тасвирий санъатнинг – рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик каби йўналишлари билан бирга инсталляция, видео-арт, фото-арт ва бошқа йўналишлар бўйича тайёрланган ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Биеннале доирасида ранг-баранг кўргазмалар, маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилади. Тадбир иштирокчилари Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳридаги меъморий обидалар билан танишиш имконига эга бўладилар.

Ҳозирдан биенналеда иштирок этиш учун Буюк Британия, Бельгия, Германия, Норвегия, Польша, Греция, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Озарбойжон каби давлатларнинг мусаввирларидан мурожаатлар туша бошлади. Биеннале доирасидаги кўргазмалар Ўзбекистон Бадиий акдемияси Марказий кўргазмалар зали, Тошкент Фотосуратлар уйи, Халқаро маданият карвон саройи, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейи, Ўзбекистон Давлат санъат музейи каби маданият масканларида ўтказилиши кўзда тутилган.





*Тиббиётимиз ютуқлари намойиши*

**Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар**

**2013 йил — Обод турмуш йили**

# ҚИЗЛАР ҲУНАР ЎРГАНАДИ

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Машҳура» ўқув марказида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги қизларнинг касб малакасини оширишга бағишланган лойиҳа тақдимоти ўтказилди.***

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, «Машҳура» ўқув маркази раҳбари М.Юсупова ва бошқалар «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизлар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, уларга касб-ҳунар ўргатиш, маҳаллаларни миллий ҳунармандлик марказига айлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси шу мақсадда аёлларнинг тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш бўйича кўплаб ижтимоий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, «Машҳура» ўқув маркази билан ҳамкорликда эҳтиёжманд оилалар бекалари ва қизларига имтиёзли тарзда касб-ҳунар ўргатилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган қизлар бир ойлик ўқув курсларида имтиёзли тарзда таҳсил олади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Транспорт**

# ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙ ВА СОЗ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА

***Мустақилликдан сўнг мамлакатимизда барча соҳаларда улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ва ободончилик ишлари амалга оширилдики, улар қаторида йўлларимизнинг янада кенгайтирилиб, равонлиги таъминланганлиги, йўловчи ташиш транспорти қатновларининг янада кўпайганлиги йўловчиларни тез ва хавотирсиз манзилларига етказишда катта ўрин тутмоқда.***

Зеро, ҳеч қандай ютуқ ўз-ўзидан келмайди. Унга меҳнат қилган, изланган одамгина эришади. Шу боис касби ҳайдовчи бўлган Дилшод Қиличевнинг жамоасида, касбдошлари ва таниш-билишлари ўртасида ўз ўрни бор.

Соҳа ҳадисини олган ишбилармон раҳбар 2006 йилда тадбиркорликка қўл урди ва ўз «Жасуртранссервис» МЧЖ хусусий корхонасини очишга муваффақ бўлди. Бугунги кунда корхона тасаррруфидаги 80-маршрут йўналишида фаолият кўрсатаётган 25 нафар ҳайдовчи ва ходимлар йўловчиларни қулай, соз ҳамда хавотирсиз манзилларига етказиш йўлида меҳнат қиляптилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш» Департаменти томонидан рўйхатга олинган «Жасуртранссервис» МЧЖ Юнусобод туман 7-мавзе ва Мирзо Улуғбек тумани Доғистон кўчаси оралиғидаги йўловчи ташишни кенг йўлга қўйди. Йўналиш қатновидаги «Газель» русумли машиналарнинг режали қатнови, оралиқ вақтнинг қисқалиги туфайли йўловчилар уни асло кутиб қолмайдилар. Чунки ҳайдовчилар линиялараро белгиланган вақт режимига қатъий амал қиладилар.

Раҳбарнинг ишбилармон ва тадбиркорлиги туфайли ишнинг режали ташкил этилганлиги, интизом ва ишга муносабат жамоа аҳиллигини таъминлаган. Яқинда «ОАТБ Саноатқурилишбанк»дан уч йил муддатга олинган кредит асосида 7 та «Газель» машиналари харид қилиниб, уларнинг қатнови йўлга қўйилганлиги ҳам йўловчиларга яна бир қулайлик бўлди.

Бугунги кунда 4-автосарой корхонаси билан ҳамкорлик шартномаси асосида фаолият кўрсатаётган «Жасуртранссервис» корхонаси машиналарнинг техник назорати ҳамда ҳайдовчиларнинг кундалик тиббий кўригини, машиналарни тоза ва соз сақлаш, механик назоратни амалга оширишга катта эътибор қаратмоқда. Айниқса, нарколог текшируви ва ишга йўлланма олиш йўловчилар талабини қондиришда, шунингдек, уларни соғ-саломат, хавотирсиз ўз манзилларига етказишда муҳим ўрин тутади.

Ҳайдовчининг бурчи фақат шундан иборат эмас. Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш, машиналарнинг техник ҳолати, ички қонун-қоидаларга биноан кечикиш ҳолатларига йўл қўймаслик, касбга масъулият билан ёндошиш, озода кийиниш ҳамда линиялараро вақт ўлчамига риоя этиш ҳам унинг бурч доирасини ташкил этади. Ана шуларга қатъий амал қилган ҳайдовчининг ишида албатта, барака ва омад, меҳнатида ютуқлар бисёр бўлади.

Дилшод Қиличев оилада ҳам «Устоз-шогирд» анъаналарига суянади. Жумладан, икки нафар укаси ҳам ҳайдовчилик касбини эъзозлаб келаётгани бунинг мисолидир. Ишбилармон раҳбар ҳамкасбларига доимо инсонийлик туйғулари ила ёндашади. Ишда талабчанлик ва интизомни унутмайди. Шу боис жамоанинг аҳиллиги, тўй-маъракаларда ўзаро қўллаб-қувватлаш, ҳамжиҳатлик жамоанинг анъанасига айланган.

— Йўналишимизнинг серқатновлиги ва марказий йўлларга тўғри келгани боис, ҳайдовчилардан эҳтиёткорликни ва йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишни талаб этади. Қиш ва баҳорнинг серёмғир келганлиги қатнов йўлларининг бироз таъмирталаб бўлишига сабаб бўлди. Ёмғир мавсуми тугагач, йўлларни таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Йўл соз ва текис бўлса, машиналарнинг бузилиш ҳолатларига анча барҳам берилади. Элга хизмат — олий ҳиммат, деганларидек, касбнинг яхши-ёмони йўқ. Муҳими, элга сидқидилдан хизмат қилиш. Буни дилдан ҳис этган ходимларимиз мажбуриятларни бажариб келмоқда. Мансур Азаматов, Суннат Халилов, Мирвосил Абдуҳошимов каби тажрибали ҳайдовчиларнинг пешқадамлигини бошқаларга ибрат қилса арзийди, — дейди корхона раҳбари Дилшод Қиличев.

Жорий йилнинг якунида корхона ижарачиликдан чиқиб, ўз хусусий автосаройига эга бўлишни, ишчи ўринларини янада кенгайтириш ва лизинг асосида қўшимча «Газель» машиналарини келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Яхши ният – ярим давлат. Ишбилармон раҳбар бугунги кунда эл хизматида жавлон ураётган кўплаб шогирдлари билан фахрланади.

**Марям АҲМЕДОВА**



Анжуманлар

# ИННОВАЦИОН ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН ТАНИШИБ, ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

***Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида «Обод турмуш йили»га бағишланган ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларнинг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.***

АФИДУМ ўқитувчилари раҳбарлигида тайёрланган «Обод турмуш йили»га бағишланган ўқувчиларнинг илмий-амалий анжумани ҳам келажагимиз пойдевори бўлган ўқувчи-ёшларнинг истиқболи порлоқ эканлигини намоён этди. Унда 6-9-синф ўқувчилари она тили ва адабиёт, рус тили, инглиз тили, тарих, география, маънавият, физика, кимё, биология, математика, информатика фанлари бўйича ажойиб чиқишлари билан билимларга чанқоқ эканликларини намойиш этдилар. Анжуманда 60 дан ортиқ ўқувчилар, маъруза ва рефератлари билан қатнашиб, уларнинг муайян фанларни пухта ўзлаштириб боришдаги эришаётган ютуқлари АФИДУМ маъмурияти томонидан муносиб баҳоланиб, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Анъанавий ўтказиб келинаётган анжуман янги илмий ғоялар, инновацион янгиликлар билан танишиш, тажриба алмашиш мақсадида пойтахт мактаб ўқитувчилари билан бир қаторда, чекка ҳудудлар, чунончи, Булунғур тумани, Термиз шаҳри мураббий-устозларини ҳам бир ерга жамлади.

Дастурдан ўрин олган она тили ва адабиёт, рус ва инглиз тиллари, тарих ва маънавият, математика ва информатика, физика, кимё фанлари бўйича ўқитувчиларнинг 40 дан ортиқ маърузалари тингланди, муҳокама қилинди.

Маърузалар орасида олий тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси Н. Каримованинг «Янги педагогик технологиялар — она тили ва адабиёт дарсларининг асоси», инглиз тили ўқитувчиси М. Аҳмедованинг «Инглиз тили дарсларини янги педагогик технология асосида ўтиш самарадорлиги» мавзусидаги чиқишлари назарий ва амалий жиҳатдан тингловчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Маърузачилар янги педагогик технологиялар нафақат дарс самарадорлигига, балки обод турмуш пойдевори бўлмиш баркамол авлодни тарбиялашда ижобий таъсир этувчи омил эканлигини слайдлар ва видео тасмалар орқали кўрсатиб бера олдилар.

Диққатга сазовор яна бир маъруза математика ўқитувчиси Д. Минорованинг «эврика» усули, яъни «Ўзим топдим!» янги педагогик методи орқали модулли тенгламаларни ечиш мавзусига бағишланди.

Булунғур туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси А. Ҳақбердиевнинг «Математика фанини ўқитишдаги муаммолар ва уларнинг ечими», профессор М. Мирзаахмедовнинг «Ихтисослаштирилган мактаблар учун математика дарсликлари билан ишлаш тажрибасидан», кимё фани ўқитувчиси М. Расулованинг «Электролиз ва унинг амалий аҳамияти», физика фани ўқитувчиси Х. Матчоновнинг «Эҳтимоллик тақсимот функцияларининг физика дарсларида қўлланиши» мавзуларида чиқишлари ҳам қизиқарлилиги билан алоҳида ажралиб турди.

Доцент А. Тожиевнинг «Ҳадис илмининг сабоқлари» мавзусидаги маърузаси анжуман иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди. Унда ҳадис илми билан шуғулланган алломаларнинг ижодий фаолияти, хусусан, Муҳаммад Исмоил ал-Бухорийнинг юксак даражадаги салоҳияти шарҳлаб берилди, ахлоқ-одобга оид ҳадислардан намуналар келтирилди.

**Муборак АКРОМОВА,**
**ТДИУ қошидаги Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси**

***Мирзо Улуғбек туманидаги буюк саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи билан аталувчи маҳаллада Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган маросим мароқли ва завқли ўтди.***

# ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН АЙЁМ

Маҳалла ҳудудида жойлашган «Аристон» ресторанига Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган азиз нуронийлар тўпланишди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Ёқуб Мўминов Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш кунининг мамлакатимизда чинакам умумхалқ айёми, эл эъзозлаган табаррук кун сифатида нишонланаётганининг ўзи бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни деб жонини қурбон қилган аждодларимизнинг хотирасига, бугунги дориломон кунда обод ва озод Ватан барпо этишдек эзгу ишларда ўзларининг доно маслаҳатлари билан ҳисса қўшаётган нуронийларимизга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси эканлигини таъкидлади.

— Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 25 апрель куни қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони биз, нуронийларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликдир. Бундай эътибордан бошимиз осмонга етди, кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди Иккинчи жаҳон уруши жангларида жасорат кўрсатган истеъфодаги генерал Абдуллажон Ортиқбоев. — Мана ўн тўрт йилдирки, бу кун ёши улуғларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, нуронийларнинг эл-юрт равнақи йўлидаги хизматларини муносиб қадрлаш сифатида байрам қилинаётгани қалбларимизга бир олам қувонч бағишламоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Юртимизда инсон қадри улуғланиб, хотираси муқаддас деб эъзозланмоқда. Тўкин дастурхон атрофига тўпланган маҳалладошларнинг ҳар бири қалбидан ана шундай эзгу ҳис-туйғулар ўтди. Уруш ва фронт орти хотиралари ҳаяжон билан тингланди, фахрийларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

**Хондамир СОЛИҲОВ**

# Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистратурасига 2013-2014 ўқув йили учун тингловчиларни қабул қилиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси «Давлат бошқаруви» (Master of Public Administration – MPA) ва «Жамият бошқаруви» (Master in Public Sector Management – MPSM) ихтисосликлари бўйича магистратурага ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини маълум қилади.***

*Академия давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таянч давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади. Икки йиллик ўқув дастури якунига асосан тингловчилар магистр унвони ва давлат намунасидаги диплом билан тақдирланади. Академия магистратурасига 40 ёшгача бўлган олий маълумотли, камида уч йиллик бошқарув тажрибасига, иш жойидан ижобий тавсифномага, чет тили (инглиз тили) билимига, ахборот-коммуникацион технологиялар билан ишлаш кўникмаларига, кенг дунёқараш, таҳлил қилиш қобилияти ва юқори маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари очиқ танлов асосида қабул қилинади.*

*Магистратурага кириш синовлари тест шаклида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази томонидан қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади:*

— Ўзбекистон тарихи;

— Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш назарияси ва амалиёти асослари;

— Давлат ва ҳуқуқ асослари;

— Иқтисодиёт ва менежмент асослари.

Академия магистратурасида ўқиш грант ва пуллик-контракт шартлари асосида амалга оширилади. Ўқиш даврида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган тингловчилар яшаш учун турар жой билан таъминланади. Номзодлар қабул қилиш комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— ихтисослик кўрсатилгани ҳолда ректор номига ариза;

— олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловаси асл нусхаси;

— белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтарчаси нусхаси;

— иш жойидан тавсиянома;

— 3,5х4,5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

— 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;

— Паспорт нусхаси ва ҳарбий мажбуриятга муносабат ҳақидаги ҳужжатнинг асли ва нусхаси.

**Қабул комиссияси ҳафтанинг душанба кунидан шанба кунигача соат 09:00 дан 18:00 га қадар ишлайди. Ҳужжатлар 2013 йилнинг 15 майидан 15 июнигача қабул қилинади.**

**Таълим дастурлари бўйича тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 45-уй, тел: (+99871) 232-60-81, fax: (+99871) 232-61-05 e-mail: qabul@dba.uz, web: www.dba.uz**

***Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида» ги Қарори ижросини таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.***

# МИЛЛИЙ ЧОЛҒУ АНСАМБЛЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Бу борада «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ҳам иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантиришга қаратилган салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида бошланган «Наврўз садолари» миллий чолғу ансамблари ва оркестрларининг олтинчи республика фестивали ҳам шундай тадбирлар қаторига киради.

Мазкур фестиваль «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Бастакорлар ва «Тасвирий ойина» ижодий уюшмалари, «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган уч юзга яқин болалар мусиқа ва санъат мактабларида қарийб қирқ саккиз минг нафар ўқувчилар таҳсил олмоқда. Ушбу таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-услубий воситалар ва жиҳозлар билан таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин ёшларимизнинг истеъдодларини рўёбга чиқариш мақсадида турли танлов ва фестиваллар ўтказилмоқда. Жорий йилда олтинчи маротаба ўтказилаётган «Наврўз садолари» фестивали ҳам шулар жумласидандир.

Фестивалнинг финал босқичида вилоятларда ғолиб деб топилган 55 та миллий чолғу ансамбли ва оркестри, профессионал жамоалар иштирок этди.

— Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, — ёшларимизнинг миллий мусиқий чолғуларимизга бўлган қизиқиши, билим ва кўникмасини янада ошириш ва улар орасидан энг иқтидорлиларини саралаб олишдан иборат. Бинобарин, катта иқтидорга эга бўлган ёшларимиз мамлакатимизнинг янада юксалиши, тараққий этиши ва нуфузининг ошишида ўз санъатлари билан ҳисса қўшадилар.

Фестиваль Сергели туманидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактаби ижодий жамоаси ижросидаги қўшиқлар билан очилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари А.Холбеков, Тошкент Давлат консерваторияси ректори О.Иброҳимов ва бошқалар ёш авлодни миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга садоқат руҳида камолга етказиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, дунёқараши ва тафаккурини янада бойитиш ва юксалтиришда миллий санъатимизнинг ўрни хусусида тўхталиб ўтдилар.

Уч кун давом этган фестиваль доирасида барча мусиқий таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларидан ташкил топган ансамбллар ва профессионал ижодий жамоалар ўз ижодий дастурларини намойиш этишди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

Қинғир иш — келтирар ташвиш

# ҲУЖЖАТСИЗ ТЕЛЕФОНЛАР

***Ҳар бир киши бирор ишга қўл урар экан, қилаётган ҳаракатим тўғрими, деб ўзига савол бермоғи керак. Чунки оқибатини ўйламай қинғир ишга қўл уриб, сўнг афсус чекишдан фойда йўқ.***

Ҳукуматимиз томонидан истеъмолчилар манфаатини кўзлаб қатор қарорлар қабул қилинган. Мақсад — ҳужжатсиз, сифатсиз товарларнинг олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш. Шу жиҳатдан Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ижросини таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бектемир туманида жойлашган «Шарқ» йўл-патруль хизмати масканида ўтказилган рейд тадбирда мазкур қарор талабини бузган Нажмиддин Қундузхонов фаолиятига чек қўйилди. У белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан назорат қилинмайдиган жуда катта миқдорда фойда олишни кўзлаган экан. Гап шундаки, «тадбиркор» Фарғона шаҳрига бориб, Хитойда ишлаб чиқарилган 16 турдаги 198 дона, умумий қиймати 203.019.750 сўмлик уяли телефон ва аксессуарларни машинага ортиб Тошкент сари йўл олганди. Мақсади юртимизга ноқонуний олиб кирилган ҳамда ҳужжатсиз товарларни пойтахт бозорларида сотиб, қарийб қирқ тўққиз миллион сўм даромад олиш бўлган. Аммо у ниятига ета олмади. Автомашина тўхтатилиб, юкхонадаги уяли телефон ва аксессуарларнинг тегишли ҳужжати сўралганда жавоб олинмади.

Шундай қилиб, яна бир «учар»нинг фаолиятига чек қўйилди. Суд судланувчига жазо тайинлашда барча жиҳатларни эътиборга олди ва далилий ашё сифатида олинган ноқонуний тарздаги 203 миллион сўмликдан зиёд уяли телефон ва аксессуарлар давлат ҳисобига ўтказилди.

**Фаруддин АЛИЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Бектемир туман бўлими катта инспектори**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЧЖ «Power International Transport» хорижий корхонаси (ИНН 206667275) Устав фондининг 890.386 АҚШ долларидан 778.386 АҚШ долларига қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади. Таъсисчининг 2013 йил 1 майдаги қарори асосида даъволар эълон нашр этилган кундан бошлаб, икки ой давомида Тошкент 100104, Бектемир тумани, Олмос кўчаси, 74-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими туман умумтаълим мактаблари ошхоналари ва буфетларида 2013-2014 ўқув йилида фаолият олиб бориш учун тендер танловлари эълон қилинишини маълум қилади ва танловда иштирок этиш истагини билдирганлар учун барча ҳужжатлар тўпламини ТХТМФМТТЭБ комиссиясига тақдим этилишини сўрайди.
Бизнинг манзил: Шайхонтоҳур тумани, Сузук ота кўчаси, 2а-уй.
Мурожаат учун телефон: 245-04-01.

Миробод туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш ва яхшилаш мақсадида 2013-2014 ўқув йили учун тендер эълон қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 6-уй.
Тел: 256-30-09.

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Савдога Яккасарой туман СИБ томонидан,** ЖИБ Тошкент вилоят судининг 03.01.2011 йилдаги 2-124/1-сонли ижро варақасига асосан, «Shela Ram Textile Trading» ШКга тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Суқрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3781 кв.м. бўлган 4 қаватли ертўлали маъмурий бино ва иншоотлар такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 160 489 818,4 сўм.

**Савдо 2013 йил 30 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2013 йил 28 май куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Савдога Олмазор туман СИБ томонидан,** ЖИБ Тошкент шаҳар, Юнусобод туман судининг 2012 йил 26 ноябрдаги 1-793/12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси 13-уй, 267-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 72,9 кв.м., яшаш майдони 41,57 кв.м. бўлган хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 151 955 000 сўм.**

**Савдо 2013 йил 13 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 11 июнь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани 315-сонли ўрта мактаб томонидан 2006 йилда Қудратуллаева Мўътабархон Маҳамадхоновна номига берилган OP`SHA № 0024591 (аъло даражали) рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

